

ИСТЕҲСОН ЙЎЛИ БИЛАН ҲУКМ ОЛИШДА МУСУЛМОНЛАРГА БЎЛГАН ЕНГИЛЛИКЛАР

Одинаев Нодирбек

Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти

Анотация. Мақолада Ислам шариатининг бешинчиси манбаси бўлмиш "истеҳсон" мавзуси ҳақида сўз боради. Истеҳсоннинг шаръийлиги, ҳужжатлиги, у борада уламоларнинг фикри ва истеҳсон йўли билан олинган ҳукмлардан мисоллар келтирилади. Бугунги кунда мусулмонларнинг эҳтиёжи тушудиган долзарб масалаларга истеҳсон йўли билан қандай жавоблар берилганлиги ёритиб берилган.

Калид сўзлар: истеҳсон, усулул – фикҳ, шариат, ҳукм, мазҳаб, ислом, қиёс, далил, мужтаҳид, оят, ҳадис, ижмоъ, манба,

Истеҳсоннинг луғавий маъноси «Бир нарсани яхши деб ҳисоблаш», маъносидадир. «Усулул-фикҳ» истилоҳида эса мужтаҳиднинг очик, равшан қиёсдан махфий қиёсга, куллий ҳукмдан жузъий ҳукмга ўтишидир. Бундай ўтишга унинг ижтиҳоди сабаб бўлган.¹⁶⁸

Истеҳсоннинг истилоҳий таърифидан кўриниб турибдики, у икки турга бўлинади.

1. Махфий қиёсни очик қиёсдан устун қўйиш.
2. Далилга асосланиб куллий ҳукмдан жузъий ҳукмга ўтиш.¹⁶⁹

Биринчи турига мисол:

1. Агар сотувчи билан олувчи сотилган нарсани ҳали олувчи қўлига олмасдан аввал унинг пули тўғрисида тортишиб қолсалар, яъни сотувчи «юз сўмга сотдим», деб даъво қилса олувчи эса «Йўқ, тўқсон сўмга сотгансан» деб айтса, ҳанафий уламолари истеҳсонга кўра ҳар иккаласи ҳам қасам ичади, дейдилар. Қиёс эса сотувчи қасам ичмаслигини тақозо қилади. Чунки сотувчи ўн сўм ортигини даъво қилмоқда, олувчи эса ўша ўн сўмни инкор қилмоқда.

Шариатдаги қоида эса:

أَلْبَيِّنَةُ عَلَى الْمُدَّعِي، وَالْيَمِينُ عَلَى مَنْ أَنْكَرَ

«Даъво қилган киши, даъвосига ҳужжат келтириши лозим, уни инкор қилган киши эса, қасам ичиши керак».

Очик қиёс мазкур масалани давогар ва инкор қилувчи ўртасидаги воқеаъни таққослаб, давогар ҳужжат келтиришини, инкор қилувчи эса қасам ичишини тақозо этади. Махфий қиёс эса мазкур масалани ҳал қилишда сотувчи ва олувчининг ҳар бири бир вақтнинг ўзида ҳам даъвогар, ҳам инкор қилувчи бўлишини тақозо этади. Бу

¹⁶⁸ Абул Баракот ан-Насафий. «Манор ал-Анвор», Истанбул, Ҳанафия матбааси. 2009, 39-бет.

¹⁶⁹ Ваҳба аз-Зухайлий. «Усулул фикҳ ал-Исламий», Дамашқ, Дарул-фикр, 2008, II-жуз, 21-бет.

махфий қиёсни мужтаҳид ўз наздида яхши деб ҳисоблаб, ҳар иккаласи ҳам қасам ичади дейди.

2. Бургут, лочин, қарға, калхат каби йиртқич қушларнинг тумшуғи теккан нарса ҳанафий фақиҳларнинг наздида истехсон йўлига кўра тоза, қиёсда эса нажас – ҳаромдир.¹⁷⁰

Қиёсга кўра гўшти ҳаром бўлган шер, бўри, тулки каби йиртқич ҳайвонларнинг олдидан қолгани ҳаромдир.

Истехсонга кўра, йиртқич қушларнинг гўшлари ҳаром бўлса ҳам, бироқ уларнинг пайдо бўладиган сўлаклари олдидан қолган саркитига аралаш-майди. Чунки қушлар сувни тумшуклари ила ичадилар. Тумшуклари эса тоза суяк. Аммо ваҳший ҳайвонлар сувни тиллари билан ичадилар. Тиллари эса сўлаги билан аралашган бўлади. Шунинг учун уларнинг оғзи теккан сув ҳаромдир.¹⁷¹

Мужтаҳид махфий қиёсни ҳукмига мувофиқ деб билганлиги учун очик қиёсни ташлаб, махфий қиёс ила ҳукм қилади. Мана шундай очик қиёсдан махфий қиёсга ўтишлик истехсондир.

Иккинчи турига мисол:

Кишини ўзи эга бўлмаган нарсани сотишдан ёки сотишга аҳдлашишдан шарият қайтарган, лекин истехсон тариқасида ҳунар-мандчилик, заргарлик, тикувчилик, ижара масаласи, деҳқончилик ишларига рухсат берилган, чунки юқорида айтилганларнинг ҳаммаси мавжуд бўлмаган нарсага аҳдлашишдир. Истехсоннинг вазифаси кишилар ҳожатини чиқариш ва уларнинг урф-одатларини эътиборга олишдир.

Мазкур мисолларда мужтаҳид куллий ҳукмни қўйиб, жузъий ҳукмга ўтганлиги маълум бўлди.¹⁷²

Истехсоннинг ҳужжатлиги.

Жумҳурнинг ҳужжатлари қуйидагича:

1. Китобдан:

الَّذِينَ يَسْتَمِعُونَ الْقَوْلَ فَيَتَّبِعُونَ أَحْسَنًا

«Улар сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига (яъни, нажотга элтгувчи рост сўзга) эргашадиган зотлар» (Зумар сураси, 18-оят).

Ва яна:

وَأَتَّبِعُوا أَحْسَنَ مَا أُنزِلَ إِلَيْكُمْ مِنْ رَبِّكُمْ

«Парвардигорларингиз томонидан сизларга нозил қилинган энг гўзал нарса – Қуръонга эргашинглар!» (Зумар сураси, 55-оят).

Биринчи оят билан истехсонни ҳужжатлиги – Аллоҳ таоло энг гўзал сўзга эргашган кишиларни мактов ўрнида зикр қилмоқда.

¹⁷⁰ Абул Баракот ан-Насафий. «Манор ал-Анвор», Истанбул, Ҳанафия матбааси. 2009, 178-бет.

¹⁷¹ Аҳмад ибн Абу Саид. «Кашфул-асрор фи шарҳил манор», Покистон, бушро, II-жуз, 57-бет.

¹⁷² Муҳаммад ибн Абдуҳалим. «Қомар ал-Ақмор шарҳил-манор», Покистон, Карачи, 2011, II-жуз. 168-бе

Иккинчи оят билан эса, энг яхши нозил қилинган сўзга эргашишга буюрмоқда. Агар истехсон ҳужжат бўлмаганда эди, бу оят бундай нозил бўлмасди.

2. Истехсонни далил қилиб олишда қийинчиликни тарк қилиб, осон тарафга юриш бор. Бу эса, диннинг асосий мақсадларидан биридир. Аллоҳ таолонинг ўзи марҳамат қилиб айтадики:

يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمْ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمْ الْعُسْرَ

«Аллоҳ сизларга осонни ирода қилади қийинни ирода қилмайди» (Бақара сураси, 185-оят).

Шу оят асосида, мўмин-мусулмонларни қийиндан осонга чиқариш учун, истехсон йўлга қўйилган.

3. Истехсонни далил эканига суннатдан далил Пайғамбар соллалоҳу алайҳи васалламни:

مَا رَأَاهُ الْمُسْلِمُونَ حَسَنًا فَهُوَ عِنْدَ اللَّهِ حَسَنٌ

«Мусулмонлар нимани яхши деб билсалар, бас у Аллоҳни наздида ҳам яхшидир», деган сўзларидир.¹⁷³

Ушбу ҳадисни далил бўлиши, истехсон Аллоҳни ҳузурида ҳам гўзал нарса экан. Бу эса уни ҳужжат эканлигига далолат қилади. Агар ҳужжат бўлмаганида, у Аллоҳ наздида гўзал иш бўлмасди.¹⁷⁴

Ижмоъдан далил: Уммат ҳаммомга қанча вақт у ерда туришни ҳамда қанча сув ишлатишни белгиламай киришни истехсонга кўра жоизлигига ижмоъ қилган. Бу эса уммат истехсонни ҳужжат қилганига ёрқин далилдир.¹⁷⁵ Истехсоннинг собит бўлиши ҳамма иттифоқ қилган далилга суянган ҳолда юзага чиқади. Олдин ўрганганимиздек, истехсон оят, ҳадис, ижмоъ, зарурат, махфий қиёс, урф ёки маслаҳат билан собит бўлади. Мана шуларнинг ҳаммаси махфий қиёсни очиқ-ойдин қиёсдан устин қўйишга ва умумий ҳукмдан жузъийсини истисно тарийқасида ажратиб олишга олиб келади. Буларнинг ҳаммаси шариатда мақбул бўлган ишлардир.

Истехсонни инкор қилувчиларнинг далиллари истехсон шариатда ҳужжат бўла олмайди, деган шофеъийлар, шийъа ва зоҳирийларнинг уламолари ўз фикрларини қўллаш учун учта далил келтирадилар.

Шариат ҳукмини чиқариш насс ва нассга қиёс қилишдан бошқа нарса билан жоиз эмас. Чунки, насс(матн) Қуръон ва суннат ҳамда қиёсдан бошқа нарса Ила ҳукм чиқариш шариат ҳукмини ҳавойи нафс билан чиқаришга тенг бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Расулulloҳ алайҳиссаломга хитобан бундай деб марҳамат қилади:

فَأَحْكُم بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ

¹⁷³ Имом Саҳовий. «Мақосидул ҳасана», Дамашқ, Дарул-фикр, 2003, 317-бет.

¹⁷⁴ Имом Ғазолий. «Мустасфо», Дамашқ, Дарул-фикр, 1997, 1-жуз, 3-бет.

¹⁷⁵ Аллома Омидий. «Ал-Иҳком фи усули аҳком», Дамашқ, Дарул-фикр, 2003, 3-жуз, 210-бет.

«Сен уларнинг орасида Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм қил ва уларнинг ҳавойи нафсига эргашма» (Моида сураси, 48-оят).

Шу оятга биноан, истехсон шариатда ҳужжат бўла олмайди.

2. Истехсон ақл билан бўлади, унинг асоси ақлдан иборатдир. Олим ҳам, жоҳил ҳам ақлини ишлатиб гапирди. Бунда ҳар бир инсон ўзига шариат яратиб олиш хавфи туғилиб қолади.

3. Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳеч қачон истехсон билан фатво бермаганлар, балки ваҳий тушишини интизор бўлиб кутиб турганлар.

Мулоҳаза қилинса, истехсонни инкор қилувчилар келтирган далиллар, фақат шариатни ҳавойи нафсга мувофиқ қилишни инкор этишдан иборат. Бунга ҳамма қўшилади. Жумладан, истехсонни жоиз деганлар ҳам бу гапни айтади. Ҳавойи нафс билан шариат ҳукмини жорий қилиб бўлмайди. Ҳавойи нафсига нима келса, шуни шариат дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Истехсонни жоиз деганлар иккита далилдан кучлироғини танлаш йўлини тутганлар. Улар далилсиз иш қилаётгани йўқ. Шунинг учун, бундай хилоф қилишга ўрин ҳам йўқ. Қайси уламони кўрсангиз, истехсонни олган, бири торроқ олади, бири кенгроқ, лекин барибир олади.¹⁷⁶

Албатта, ҳақийқатни оладиган бўлсак, истехсон мустақил бир шаръий масдар эмас. Бошқа масдарларга суянган ҳолда ишлайди, унда кўпроқ қиёсга ва маслаҳатга(манфаатга) қараб иш тутилади.

Истехсонни буткул инкор қиладигон киши бу Имом Шофъий раҳма-туллоҳи алайҳ эмас, лекин китобларда у зот истехсонни инкор қилувчилар ичида машхур бўлиб қолганлар. «Ар-Ройфи фикҳул исламий» китобида: «Истехсонни буткул инкор қиладиганлардан бири бу Ибн Ҳазм Аз Зоҳирийдир. Зеро, Имом Шофъий раҳматуллоҳи алайҳни баъзи сўзларида: «Мен фалон нарсани яхши санайман», деган жумлалар келади. Бундан эса билиб олиш мумкинки, Имом Шофъий фақатгина мазамматланган истехсонни қабул қилмайдилар.

¹⁷⁶ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Усулул фикҳ», Тошкент, Шарқ, 2010, 185-бет.